

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеърятда лирик хронотопнинг ривожини	77
Г.Орипова	
Мустақиллик даври ўзбек шеърятда халқ оғзаки ижоди аънаналари ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликларидан парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулоҳазалар	96
М.Абдулаттеев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашуров	
“Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларида бири сифатида	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фарғона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир.....	118
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш.....	123
Н.Маҳмудова	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқини.....	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасининг айрим хусусиятлари	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари.....	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти.....	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари.....	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида.....	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидойий олим	148
---------------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ	150
---------------------------	-----

ИНГЛИЗ ТИЛИ АМЕРИКА ВАРИАНТИ ГРАММАТИКАСИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Эргашева

Аннотация

Мақолада инглиз тили Америка вариантнинг шаклланиш қонуниятларини Британия вариантдан фарқ қилувчи томонлари кўриб чиқилган.

Аннотация

В статье рассматриваются закономерности формирования американского варианта английского языка и его отличительные стороны от британского варианта.

Annotation

The article deals with the changes in grammar of American English, investigated with its different features other than in the British English.

Таянч сўз ва иборалар: феъл, ёрдамчи феъллар, герунд, мажхул нисбат, инфинитив, артикль, сифат, предлоглар, боғловчилар, отлар, иккинчи шахс, эллиптик гаплар, инглиз тилининг Америка варианты.

Ключевые слова и выражения: глагол, вспомогательные глаголы, герундий, пассивный залог, инфинитив, артикль, имя прилагательное, предлоги, союзы, имя существительное, второе лицо, эллиптические слова, американская версия английского языка.

Keywords and expressions: verb, auxiliary verbs, Gerund, Passive voice, Infinitive, article, adjective, prepositions, conjunctions, nouns, second person, elliptical statements, American version of English.

Ҳозирги замонда инглиз тили ўз ижтимоий қўлланиш кўламини кенгайтириб, кўпгина давлатларда давлат тили, иккинчи давлат тили, миллатлараро муомала тили вазифасини бажариб келмоқда.

Бу эса инглиз тили структурасида айрим ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келмоқда. Турли вариантлар ўз нормаларига, стандартларига эга бўлмоқдаки, бу нарса инглиз тили фонетик структураси, грамматик структурасини ҳамда луғат бойлигининг кенгайишига олиб келмоқда.

Ўзгаришлар кўпроқ феълга хосдир. Ҳозирги замон инглиз тилида, бир томондан, ёрдамчи феъллар shall ва will ўртасидаги фарқ йўқолиб бормоқда, иккинчи томондан, shall феълнинг will томонидан қисиб чиқарилиши содир бўлмоқда. Бунга, биринчидан, оғзаки нутқда (I'll, we'll, they'll) қисқартма формаларининг кўп ишлатилиши, иккинчидан will нинг (1-шахсдан бошқа қолган барча шахслар учун) shall (фақат 1-шахсда) га нисбатан кўпроқ қўлланилиши сабаб бўляпти. Шунинг учун ҳозирги пайтда will нинг нейтрал келаси ҳаракатни I will be there; We will all die one day каби гапларда қўлланилиши ҳеч кимни ҳайратлантirmайди. Шундай қилиб, кўлга йиқилиб тушиб: "I will we drowned, no one shall save me", деб бақирган киши ҳақидаги ҳазилнинг биринчи қисмини кўплаб инглизлар, нейтрал келгуси ҳаракат формасига ўз ўрнини берган. Иккинчи

қисмида эса shall ушбу ҳолатда ҳали ҳам ўзининг модал маъносиди қабул қилинади. (I shall be saved=I refuse to be saved.) We shall ни қисиб чиқараётганига ўхшаб, would ҳамда should ни қисиб чиқармоқда. Ҳозирги пайтда кўп ҳолларда, олдин should қўлланилган ҳолларда would қўлланилмоқда (I would like to know. If we were to tell you, we would be comitting breach of faith.)

To be going to формаси Simple Future қўлланилишини анчагина қисқартириб қўйди. Be going to: а) яқин келажақда содир бўладиган ҳаракатни ифодалашда He is going to: а) яқин келажақда содир бўладиган ҳаракатни ифодалашда (He is going to meet Tom at the station at 6); б) мақсадни ифодалашда (What are you going to do when you get your degree?) қўлланилади. Фикримизча, ҳозирги пайтда to be going to ни инглиз тилининг ёрдамчи феъллар системасини тўлдирган, янги ёрдамчи феъл сифатида кўриб чиқиш керак. Бунга тасдиқ қилиб, бу бирикманнинг оғзаки нутқдаги фонетик чизмасини келтириш мумкин. Бошқа ёрдамчи феъллардаги каби, to юкламаси be going га (бош феълга эмас) бирикмоқда. Қиёсланг: He ought to go; I'm going to do it ва He came to see it.

Ҳозирги замон инглиз тилида have феълнинг Simple Present даги сўроқ ва инкор формаларини яшашда дифференциаллаш кузатилмоқда:

а) Aраp have феъли passess маъносини англатса, Simple Present нинг сўроқ ва инкор

формалари ёрдамчи феълсиз ясалади. Кўпинча бу маънода have . нинг эквиваленти have got қўлланилади: They haven't a garden. (They haven't got a garden). I have three sisters (I have got three sisters);

б) Agar have take, get, receive, experience маъноларида қўлланилса, унда do ёрдамчи феъли ишлатилади: Do you have milk and sugar in your tea? He doesn't have a cold. Аммо иккала вариант ҳам ишлатиладиган чегара ҳолатлар ҳам учраб туради (has she smart dresses? Does she have smart dresses?);

в) Айрим ҳолларда ёрдамчи феълларнинг қўлланилиши have оддий, тақрорланувчи (habitual) ҳаракатни (Do you have dances in your village hall?) ёки бир марталик ҳаракатни (Have you (got) a dance tonight?) билдириб келишига боғлиқ. Берилган habitual (non-habitual) мезони фақат инглиз тилига хосдир, ҳозирги замон Америка вариантыда do ёрдамчи феъл have нинг қандай маънони ифодалашидан фарқли барча ҳолларда қўлланилаверади (Do you have the time?) (Do you have any children? - амер.; Have you (got) the time? Have you (got) any children? - инг.) [1].

Сўнги йигирма йилда узоқ вақт инглиз тилида эскирган деб ҳисобланувчи Subjunctive нинг қисман уйғонган формасининг тез-тез қўлланиши кузатилмоқда. Бошида унинг уйғониши маълум ҳужжатларда белгиланиб, кейинчалик грамматистлар уни бадиий ва сўзлашув тилига кенг кириб келганлигини хабар қилдилар (I insist that he do it), (It was essential that he make a choice). Фикримизча, бу уйғониш вақтинчалиқдир ҳамда тилга чуқур ўрнашиб қолмайди.

Ҳозирги замон сўзлашув нутқида эллиптик гаплардан фойдаланиш хос бўлиб бормоқда, шу билан бирга, уни ташкил қилишда айрим аниқ қонуниятларга бўйсунуш лозим:

а) иккинчи шахсга берилаётган махсус саволларда феъл тушириб қолдириляпти (What you want that for? Where you think you're going?);

б) иккинчи шахсга берилган умумий саволларда турли ёрдамчи феъллар тушириб қолдириляпти (Like a cigarette? Have a drink?).

Бундай эллиптик ясалмалар иккинчи шахсга берилган саволларга хосдир.

Берилган эллиптик тузилмаларни нутқидаги нуқсон деб қараётган грамматистлардан фарқли, менимча, биз иккинчи шахсга берилмаётган янги сўроқ формасининг шаклланаётганлигининг гувоҳимиз.

Get ва want феъллари ҳам кўпинча ёрдамчи феъл сифатида қўлланилади. Сўнги йилларда ушбу феълларнинг шундай ҳолда қўлланилиши анча кенгайди.

Get куйидаги ҳолларда ишлатилади:

а) Passive voice ни яшаш учун (He got hurt. You'll get hurt);

б) герундий билан бошламоқ маъносида (Let's det going);

в) мақсадга эришишни ифодалаш учун инфинитив билан (I got to know him);

г) have+infinitive ни мажбурият ва мажбурлаш учун (We've got to set off at once).

Want мажбур, шарт, талаб қилиниш маъноларида ишлатилади (You want to be careful about what you're doing), (You want to go to a doctor. You want to take it easy). Бизнингча, be going to get, want юқорида санаб ўтилган ҳолларда ёрдамчи феъл сифатида қаралиши керак, буларга яна оғзаки нутқидагидек каби to юкламасини қўшиш хосдир (қийёсланг: You ought to go; I want to go.).

Ҳозирги замон инглиз тилида phrasal verbs деб аталувчи (феълларнинг равиш ва предлоглар билан бирикмалари) феъллар кенг тарқалган. Уларнинг кўп бўлишига қарамай, тўлдириш ҳам содир бўлмоқда. Охирги пайтда аллақачон маълум бўлган бирикмаларга қўшимча яна янги бирикмалар ва янги маънолар пайдо бўлмоқда (масалан: strug off=treat with indiffence; build up=advertise; start up=set (an engine) in motion; bomb up=load with bombs; ice up=become with ice; lose out=lose; butt in=inferfere; intervene).

Феъл+тўлдирувчи конструкциясини якка феълга нисбатан қўлланиш янада ортди. Энди кўпроқ Will you ring me? Ўрнига Will you give me a ring? Will you look at it? Ўрнига Will you have a look? ни эшитиш мумкин.

Ҳозирги замон инглиз тилида асосий тенденция қўшимчаларнинг қисқартирилиши ҳамда йўқотилиши эканлигини бўлаётган ўзгаришлар хулосаси, деб қараш мумкин. Аммо айрим ўзгаришлар тенденцияга

тескаридир. Бунга мисол қилиб, of-phrase ўрнига 's қаратқич келишиги кенг мисол бўлади. Шу пайтгача 's форма асосан айрим жонли отлар ҳамда вақт ва масофани англатувчи отлар билан ишлатилар эди (an hour 's sleep, a three miles distance). Ҳозирги вақтда 's нинг жонсиз отлар билан қўлланилиши кенг тус олди. Масалан, китоб, газета ва журналлардан мисоллар: biography's charm; the record's voice, resort's weather; human nature's diversity. Кўпроқ бу шакл газетадаги мақолаларда учрайди.

Биз артиклар қўлланилишининг янги тенденцияси гувоҳи бўлаётимиз, деб айтиш мумкин. Аниқ артикль тушириб қолдираётган от гуруҳларининг сони кўпаймоқда. Ушбу мисоллар келтирилади: the necessity for raising Banc Rate (the Bank Rate ўрнига); General de Gaulle is to speak to the nation on radio and television (on the radio and the television ўрнига); The face country now emerges... most vigorously from television, cinema and theatre (the television, the cinema and the theatre ўрнига). Аниқ артиклар яна government, university, temperature, state, department каби отлар олдидан тушириб қолдирилмоқда.

Маълумки, мураккаб сифатлар кўпчилигининг қиёсий даражаси -er ва -est қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади. Аммо охириги вақтда common, cloudy, clever, profound, simple, fussy, quiet, cruel, subtle (more common ва most simple, бошқалар) каби феълларнинг аналитик формаларининг қўлланилиши кенгайди. Компонентлардан бири well бўлган сифат даражаларининг аналитик йўл билан ясалиши ҳам қўлланмоқда (more well-informed better-informed ўрнига ва most well-informed best informed ўрнига). Бундан ташқари, сўнги пайтда сифатларнинг қиёсий даражалари more ва most (more plain, more keen) ёрдамида ясалган формалари ҳам пайдо бўлган [2].

Инглиз тили олимлари 20 йилдан буён оғзаки whom ўрнига who ишлатилишини таъкидлаб келмоқдалар. Оғзаки нутқда I don't know who to suggest гапи тўғрироқ эшитилади, аммо кўп инглизлар ёзма ҳолатда who нинг ишлатилишини устун қўядилар. Лекин, предлогдан кейин фақат whom қўлланилиши мумкин. Масалан: To whom shall I give: I don't know for whom it is intended, бу вариантлар ёзма нутққа хосдир.

Шунинг учун ёзма ва оғзаки нутқни фарқлаш лозим.

Ҳозирги замон инглиз тилида be феълдан кейин me нинг ишлатилиши норма бўлиб қолган (It's me). It's me нинг It's I олмоши билан алмаштирилиши фарқсиз ўтиб кетмаганлиги диққатга сазовордир. Ҳозирги пайтда He gave it to my brother and I (and me), ва but ва like дан кейин (Nobody but me. Nobody but I.) каби гаплардаги бош ва объект келишиклар ўртасидаги фарқнинг йўқолиб бориш белгилари кузатилмоқда.

Оғзаки инглиз тилида узоқ вақтдан буён эргаш гапларнинг боғловчисиз ишлатилиш тенденцияси кузатилмоқда (A man I know A man that I know ўрнига). Бу янги тенденция эмаслигига қарамай, охириги пайтда that боғловчисининг оғзаки нутқда умуман ишлатилмаётганлигини айтиб ўтиш лозим.

Узоқ йиллар давомида пуристлар like нинг боғловчи сифатида қўлланилишига қарши чиқиб келганлар (He can't do it like I can) ва Иккинчи жаҳон урушига қадар бу худди тил нормаларининг бузиш сифатида қаралган. Аммо, урушдан сўнг like ни боғловчи сифатида қўлланиш, америка варианты таъсири остида кенг ёйилишга сабаб бўлди ва ҳозирда бу жараёни тўхтатиш амри маҳол.

Ҳозирги пайтда due to нинг предлог сифатида қўлланилиши ҳам америка варианты таъсирида содир бўляпти. Due to нинг предлог сифатида қўлланилиши олдин ҳам кузатилган, аммо у илдизда доим пуристлар қарашлари билан тўқнашган. Due to нинг предикатив функцияда ишлатилишигина норма, деб ҳисобланган (The money was due to him). Ҳозирги вақтда инглиз нутқида Due to heat-failure he suffered an early death каби гапларни эшитиш мумкин. Пуристларнинг ҳалигача бунга қарши чиқишларига қарамай, due to нинг предлогга айланиш жараёни қайтарилмасдир. Тарихан инглиз тилида атоқли отга қўшилганда артикلسиз ишлатиладиган функцияларида касбини англатадиган от гуруҳлари пайдо бўлган (Professor Smith, Captain Brown, Mr. Jones, Doctor Black). Замонавий инглиз тилида бу гуруҳ анча тўлдирилган. Касб-хунарни билдирувчи барча отлар, қўшимча функциясида артикلسиз қўлланилиши, масалан: Prime Minister Wilson (Mr. Wilson

ўрнига The Prime Minister ёки The Prime Minister, Mr. Wilson); centre-forward John Smith; actress Flora Rodson. Бундан ташқари, кўпинча ушбу отлар ўзи билан бирга аниқловчига эга бўладилар: Birmingham house wife Mrs. Smith (Mrs. Smith, a Birmingham house wife ўрнига) [3].

Ҳозирги пайтда кириш гапларни кенг қўлланишга мойиллик кузатилмоқда. Баъзи ҳолларда бу кириш гаплари аниқловчи эргаш гаплари, масалан: Boxer Bill Smith (he will be twenty tomorrow) has signed a contract tonight каби ёки мустақил гаплар: Her atomic bomb (There's been no official statement yet about its size) was detonated... билан алмаштирилиши мумкин. Менимча, бундай гапларни қўлланишдан мақсад, нутққа кўпроқ оғзаки характерни киритишдир.

Ёзма нутқ устида ёзувчиларнинг сўнги 50 йил давомида ўтказган кузатишлари гаплар анча қисқаргани, улардаги эргаш, айниқса, аниқловчи гаплар сонининг қисқарганлигидан далолат берапти. Оғзаки нутқнинг ёзма нутққа таъсир қилаётгани ҳақида гапириш тўғридир. Ҳозирги замонавий авлоднинг оғзаки нутқи ўтган аср вакиллариининг нутқидан фарқли, қисқа ва структуравий қурилиш жиҳатидан текис эмаслиги билан фарқ қилади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, тилда рўй бераётган ўзгаришларнинг кўпчилиги феъл сўз туркумининг турли функционал кўринишларига тўғри келади. Лекин улар ҳам миқдорий ўзгаришлар бўлиб, феъл формалари тил системасининг турли қатламларида ишлатилиши кўламига боғлиқ. Бошқа сўз туркумларига келсак, от, олмош, сифат ҳамда боғловчи, предлогларда ҳам феъл сўз туркумидаги кузатилган ҳолни кўриш мумкин.

Инглиз тилининг Америка варианты грамматикаси элементар йиғиндиси ва улар ўртасида мавжуд бўлган алоқалар нуқтаи назардан келиб чиқсак, бу вариант Британия варианты ёки Австралия варианты каби бўлиб, ҳали инглиз тили Америка варианты ҳам мустақил тил сифатида тан олиншига ҳеч қандай асос йўқ. Тилда содир бўлган, бўлаётган ва бўлиши кутилаётган ўзгаришларнинг барчаси тил системаси имкониятидан келиб чиққан функционал кенгайиш, холос.

Бу ҳодисаларнинг тилда кўп ишлатилиши уларнинг нормага тегишли эканлигидан эмас, балки норманинг чекловчи кучи Америка вариантыда кучсизлиги ёки норма чегарасининг нисбатан эркин белгиланиши билан изоҳланади.

Адабиётлар:

1. Fries Ch. C. American English Grammar. London. London University Press, P. 1940-240.
2. M e n c h e n H.L. The American Language. New York. The Century Press. -1963. - P.530.
3. Kenyon J.S. Cultural Levels and Functional varieties of English.-Tn.: College English, 1948, 10, Number 1-3, P.47-52.

(Такризчи: Ш.Искандарова– филология фанлари доктори, профессор)